

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

Ўзбекистонда соғ'лиқни сақлаш Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойдан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz • 2016 йил 22 январь • № 3 (1076)

Муносабат

БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗГА ИШОНЧ ОРТМОҚДА

Муҳтарам Юртбошимизнинг 2015 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган маърузаси барча жойларда чуқур ўрганилмоқда. Унда амалга оширилган улкан ишлар таҳлил қилиниб, келгуси режалар, олдимишга қўйилган вазифаларга нисбатан масъулият билан ёндашишимиз зарурлиги кўрсатилган. Зеро, Соғлом она ва бола йилида халқимиз фаровонлиги, соғлом ҳаётимиз кафолатини таъминлаш йўлида хизмат қилишга ҳар биримиз масъулмиз.

Давлатимиз раҳбарининг нутқида таъкидланганидек, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётганлигига қарамай, 2015 йилда иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналиш-

лари ва устувор вазифалари ҳамда чуқур таркибий ўзгаришлар, хусусий мулк ва кичик бизнес манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш бўйича ҳар томонлама пухта Дастур-

нинг изчил ва тизимли амалга оширилиши натижасида иқтисодиёт ўсишининг барқарор ва юқори суръатларига ҳамда макроиқтисодий мувозанатга эришилди. Бу албатта, “ўзбек модели” деб тан олинган ривожланиш стратегиясининг юқори самарадорлиги ва муваффақияти белгисидир, деб айтиш мумкин. Юртимиз халқаро миқёсда ўтказилаётган турли йўналишлардаги рейтингларда, тадқиқот сўровларида муносиб ўринларга

(Давоми 2-бетда).



ОНАЛИК ВА БОЛАЛИК МУҲОФАЗАСИ давлат миқёсидаги муҳим масала



Азал-азалдан халқимиз ўз зурриётларининг соғлом туғилиши ва ривожланиши учун шарт-шароит ва имконият ахтарган. Бизнинг давримизга келиб эса миллат генофондини яхшилаш, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан юксалтиришга қодир авлодни вояга етказиш, улар қалбида ўз юрти ва халқига меҳр-муҳаббат ҳиссини шакллантириш давлат миқёсидаги масалага айланмоқдаки, буни ҳеч ким инкор эта олмайди.

Юртбошимиз таклифи ва ташаббуси билан 2016 йилга Соғлом она ва бола деб ном берилишини кенг жамоатчилик қатори соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари ҳам мамнуният билан қутиб олдилар. Бу борада қабул қилинадиган давлат дастури мазмунида оналик ва болаликни муҳофаза этиш масаласи устувор

аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича белгиланаётган чора-тадбирлар кенг қўламли бўлиб, бу ижтимоий аҳамиятга эгадир. **Вазирликнинг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи Марат**

Садиков билан уюштирган суҳбатимизда ана шу мавзунинг чуқурроқ қамраб олишга ҳаракат қилдик.

– Марат Фатихович, «соғлом оналик ва болалик» ибораси мустақиллик йилларида энг кўп тилга олинадиган бўлди. Айни пайтда шунга монанд вазифаларнинг амалга оширилаётгани барчамизни қувонтиради. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг масъул ходими сифатида бу жараённи қандай изоҳлайсиз?

– Дарҳақиқат, Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритган (Давоми 3-бетда).

АНГИОГРАФИЯ АППАРАТИДА МУРАККАБ ОПЕРАЦИЯЛАР Фарғона вилоятига ҳам муваффақиятли амалга оширилмоқда


Бугунги кунда юртимизда соғлиқни сақлаш тизимининг ҳар бир йўналишида амалга оширилаётган ишлар самарали натижалар бериб келмоқда. Айниқса, республика миқёсидаги тиббиёт муассасаларининг замон талаблари даражасида бунёд этилаётганлиги, энг сўнгги русумдаги ноёб аппаратуралар ҳамда малакали кадрлар билан таъминланаётганлиги аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини оширмоқда.

Жумладан, кардиология соҳасидаги фаолиятларга эътиборимизни қаратадиган бўлсак, мазкур йўналишда диққатга молик ишлар амалга оширилмоқда. Барчамизга маълумки, Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази ҳам Юртбошимиз Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йилда қабул қилинган қарорлари асосида ташкил

этилган эди. Марказда аҳолига юқори сифатли тиббий хизмат кўрсатиш ҳамда юрак қон-томир хасталиклари келиб чиқишининг олдини олиш борасидаги долзарб вазифаларга жиддий ёндашилмоқда. Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг деярли барча вилоятларида кардиодиспансерлар, иккита вилоятда эса мазкур ихтисослаштирилган марказнинг филиаллари ҳам фаолият олиб

(Давоми 2-бетда).

Фарғона вилояти ҳокимлиги Philips Healthcare (Голландия) компанияси билан ҳамкорликда Фарғона вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази қошида эндоваскуляр хирургия бўлимини барпо этиш лойиҳасини амалга оширди. Лойиҳа доирасида тиббиёт маркази энг замонавий ва юқори сифат даражасидаги Philips Allura Iarity русумли ангиография мажмуаси билан таъминланди. 10 нафар бемор ноёб ангиография аппарати текширувидан ўтказилиб, икки нафарига стент қўйилди.



Муносабат

БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗГА ИШОНЧ ОРТМОҚДА

эга бўлаётганлиги алоҳида эътиборга лойиқ. Жумладан, 2015 йилда 158 та давлат орасида “Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари” деган мавзудаги тадқиқот ишида Ўзбекистон 44-ўринни эгаллади. Бу каби фахрланас арзийдиган мисолларни Юртбошимиз барча чиқишларида алоҳида эътироф этадилар.

2015 йилдаги фаолиятлар таҳлилини кузатар эканмиз, биргина таълим-тарбия соҳасини ислоҳ этиш ва такомиллаштириш борасида ҳар йили сарфланаётган харажатлар ялпи ички маҳсулотга нисбатан 10-12 фоизни ташкил этаётганлиги, бу ЮНЕСКОнинг мамлакатни барқарор ривожлантиришни таъминлаш учун таълимга йўналтирилиши зарур бўлган инвестициялар миқдори бўйича тегишли тавсияларидан, яъни 6-7 фоиздан қарийб 2 баробар кўп эканлигини кўрсатмоқда. 2015 йилда бу соҳада 384 та объектнинг моддий-техник базасини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича қиймати 423 миллиард сўмлик ишлар амалга оширилди, намунавий лойиҳалар асосида 29 та янги умумтаълим мактаби барпо этилди, 219 та мактаб реконструкция қилиниб, 136 таси капитал таъмирланди. 2015 йилнинг май ойида қабул қилинган Президентимиз Фармонида асосан, олий ўқув юртинларининг

(Давоми. Боши 1-бетда).

профессор-ўқитувчиларини мунтазам қайта тайёрлаш бўйича мутлақо янги, такомиллаштирилган тизим жорий қилинди. 15 та таянч олий ўқув юртида олий таълим муассасалари раҳбарлари ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш курслари ташкил этилгани ва бунда 2 минг 700 га яқин ўқитувчи малака оширганлиги алоҳида аҳамиятга эга.

Соғлиғини сақлаш тизимидаги ислохотлар самарадорлигини ошириш мақсадида 2015 йилда 141 та тиббиёт муассасасини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш учун қарийб 500 миллиард сўм маблағ сарфланди. Республика болалар суяк-сил касалликлари санаторийси, Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч филиали, Андижон ва Бухоро шаҳарларидаги вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказлари, Қарши ва Самарқанд шаҳарларида вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари, шунингдек, мамлакатимизнинг кўплаб туманларида тиббиёт бирлашмалари реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди. Қишлоқ врачлик пунктларини оптималлаштириш ва замонавий ташхис ҳамда даволаш усуналари билан жиҳозлаш жараёни ниҳоясига етказилди. Жумладан, бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида кейинги беш йилда мамлакатимизда ҳар 100 мингга чақалоқ нисбатан оналар ўлими 23,1 дан 19 тага, 5 ёшгача бўлган болалар ўлими 14,8 тадан 13,9 тага,

чақалоқлар ўлими 11 тадан 10,7 тага камайди. Ушбу кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига тўлиқ эришганимизни Юртбошимиз катта мамнуният билан эътироф этадилар.

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашнинг муҳим ва самарали омили бўлган жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш борасида ҳам ўтган йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан болалар спорти иншоотларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича манзилли дастурни амалга ошириш доирасида умумий қиймати 225 миллиард сўмдан ортиқ 35 та намунавий спорт объекти, 12 та сузиш ҳавзаси, 174 та мактабда спорт зали фойдаланишга топширилди. Ўзбекистон спортчилари жаҳон, Осиё чемпионатлари ва бошқа халқаро турнирларда 860 дан ортиқ медални қўлга киритдилар. Шунинг 311 таси олтин, 274 таси кумуш ва 276 таси бронза медалларидир.

2015 йил “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастурига мувофиқ 215 мингдан зиёд фахрий бепул тиббий кўриқдан ўтказилди. Эҳтиёжманд ногиронларга 11 мингдан ортиқ юқори сифатли протез-ортопедия буюмлари ва техник реабилитация воситалари бепул топширилди. 70 мингга яқин кекса авлод вакиллари тўлиқ тиббий кўриқдан ўтказилди ва стационар ҳамда санаторий-курорт

муассасаларида ўз соғлиғини тиклади. 100 ёшга тўлган нуронийларнинг пенсиясига энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдорида устама кўшиб берилди. Бундан ташқари, ўтган йилнинг 1 сентябридан бошлаб ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кекса ва ногиронларни ҳар ойда бепул таъминлаш учун асосий гигиена товарларининг янги рўйхати жорий қилинди.

Президентимиз, шунингдек, мавжуд ҳал этилмаган муаммоларни батафсил ва ҳар томонлама таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратиб, ислохотларни давом эттириш, таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни диверсификациялашнинг дастурий вазифаларига, шунингдек, унинг 2016 йилда энг муҳим устувор йўналишларига батафсил тўхталиб ўтдилар. Иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини тубдан ошириш, экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлашни кучайтириш, кичик бизнес субъектлари ва фермер хўжалиқларининг экспортдаги иштирокини ҳар томонлама рағбатлантириш бўйича аниқ вазифалар белгиланди. Иқтисодиёт тармоқларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ҳамда “Электрон ҳукумат” тизимини яратишни туб-

дан тезлаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар комплекси белгиланди.

Дарҳақиқат, бу йилимизнинг Соғлом она ва бола йили деб эълон қилинганлиги муносабати билан ушбу йил учун мўлжалланган мақсад ва вазифаларга эришиш бўйича дастурий чора-тадбирларни, шу жумладан, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини кучайтириш, перинатал ҳамда скрининг марказлари, патронаж хизматларининг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, ёш оналар ва болаларни парвариш қилиш даражаси, сифатини ошириш, оилаларда соғлом маънавий муҳитни яратиш чора-тадбирлари амалга оширилишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2016 йилда ижтимоий соҳага Давлат бюджети жами харажатларининг 59,1 фоизи ёки ўтган йилга нисбатан кўпроқ маблағ ажратилди. Жумладан, таълим-тарбия соҳасига давлат бюджети харажатларининг 33,7 фоизи, соғлиқни сақлаш тизимига 14 фоизи йўналтирилади. Таълим-тарбия соҳасини таъминлаш ва ривожлантириш сарф-харажатлари ўтган йилга қараганда 16,3 фоизга, соғлиқни сақлаш тизимида 16 фоизга кўпаяди.

Бу албатта, халқимизнинг турмуш фаровонлигини ошириш, оналик ва болаликни мустаҳкамлаш, фарзандларимиз бахту камолини юксалтиришда муҳим қадам бўлади.

Намоз ТОЛИПОВ,
журналист.

АНГИОГРАФИЯ АППАРАТИДА МУРАККАБ ОПЕРАЦИЯЛАР Фарғона вилоятига ҳам муваффақиятли амалга оширилмоқда



Фарғона вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази қошидаги эндоваскуляр хирургия бўлимининг ташқи кўриниши.

бормоқда. Шаҳар ва туман поликлиникаларидаги 380 та кардиолог кабинетда малакали шифокорлар томонидан аҳолига кафолатланган тиббий хизмат кўрсатиб келинмоқда. Марказда охириги беш йилликда рентгенэндоваскуляр жарроҳлик бўлими ташкил этилди ва бўлим замонавий ангиографик ускуна билан жиҳозланди. Ҳозирги кунда коронар ангиография – юрак тоқсимон артерияларининг торайган қисmlарини аниқлаш, уларга стент (найча) ўрнатиш каби юқори технологик усуллар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Кардиология марказида йилига мингдан ортиқ беморга ушбу даволаш амалиёти қўлланиляпти. Бундай усул билан даволаш орқали юрак қон-томир касалликларининг энг оғир тури бўлмиш миокард

(Давоми. Боши 1-бетда).

инфарктининг олди олинмоқда. Шуниси қувонарлики, бундай замонавий усул билан даволаш республика вилоятларида ҳам йўлга қўйилган. Айни пайтда Наманган вилоят кардиология марказида коронарография ва стентлаш амалиёти йўлга қўйилди ва водий аҳлига хизмат кўрсатиб келмоқда. Эндиги навбатда Хоразм, Фарғона, Бухоро ва бошқа вилоят кардиология диспансерларида ҳам бундай усулни йўлга қўйиш режалаштирилган. Таъкидлаш муҳимки, Фарғона вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази қошида эндоваскуляр хирургия бўлимининг ташкил этилиши аҳоли саломатлигини сақлашда катта қадам бўлди. Яқин кунларда ушбу бўлим ишга туширилади. Инсон саломатлиги ва унинг турмуш фаровонлигини янада мустаҳкамлаш мақсадида соғлиқни сақлаш тизими билан биргаликда барча ҳокимликлар, қолаверса, ташкилотлар ҳам-

корлигидаги амалга оширилаётган бундай хайрли ишлар аҳолига кўплаб қулайликлар туғдирмоқда. **Фарғона вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази қошидаги эндоваскуляр хирургия бўлимига вилоят ҳокимлиги томонидан кўрсатилган катта эътибордан мамнун бўлган марказ бош шифокори Хусан Мамажонов куйидагиларни гапириб ўтди:**

– Фарғона вилоят ҳокимлиги Philips Healthcare (Голландия) компанияси билан ҳамкорликда Фарғона вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази қошида эндоваскуляр хирургия бўлимини барпо этиш лойиҳасини амалга оширди. Лойиҳа доирасида тиббиёт маркази энг замонавий ва юқори сифат даражасидаги Philips Allura Iarity русумли ангиография мажмуаси билан таъминланди. Шу ўринда халқимиз саломатлигига эътибор қаратиб, хайрли ишларга бош бўлиб, водий аҳлига ноёб, сўнгги русумдаги аппаратури тақдим этган Фарғона вилоят ҳокими Шўхрат Ғаниевга миннатдорлигимни изҳор этман. Мазкур ангиография мажмуаси ҳозирда Марказий Осиёда ўз нуфузига эга бўлган биринчи ва ягона ноёб апаратура ҳисобланади. Шу ўринда фахр билан айтмоқчиманки, мамлакатимизда Ўзбекистон эндоваскуляр хирургия мутахассислари барча турдаги томирларни даволашда асосий қизил қон томири (аорта) бурилишларини аниқ белгилаш, коронар томирлар ва бош мия томирларини текширувдан ўтказиш, томирларни абля-



Philips Allura Iarity русумли ангиография аппарати

ция ва эмболизация қилиш ва уни режалаштиришдан бошлаб бемор баданини тўлиқ қамраб олган ҳолда пастки оёқ ости томирлари доирасида изланишлар олиб бориш имкониятларини қўлга киритдилар. Philips Allura Clarity ангиография мажмуаси тасвир сифатини сақлаган ҳолда нурланиш даражасини 73 фоизга пазайтириш, шипли С-дуга ёрдамида чуқур кириб изланишлар олиб бориш имконияти, жуда майда томирларни кузатиш учун 154 мкм-пиксель ўлчамли айланма рақамли детектори, 15 минг ТЕ/секундга энг юқори тезликда рентген трубкасини совутиш, вақтни тақиқламаган ҳолда юқори босим остида узок муддатли тадқиқотларни олиб бориш каби фандаги ноёб ютуқларни ҳамда ҳақиқий вақт усулида тасвир бўйича изланишлар олиб боришининг тўлиқ клиник дастурлари тўпламини ўз ичига қамраб олган.

Эндоваскуляр хирургия соҳасидаги етук мутахассислардан бири бўлган голландиялик доктор Павел Ващила жорий йилнинг 11-18 январь кунларида мазкур ангиография мажмуасини клиник амалиётда қўллаш бўйича марказда маҳорат дарсларини олиб борди. Мазкур маҳорат дарслари доирасида таклиф этилган эндоваскуляр-хирург ва юртимиз мутахассислари шошилинч кардиология ёрдамига муҳтож бўлган бир қатор беморларга ноёб жарроҳлик операцияларини амалга оширдилар. Жумладан, 10 нафар бемор ноёб ангиография аппаратида текширувдан ўтказилиб, уларнинг икки нафарига стент қўйилди. Амалиёт муваффақиятли якунланди, бевақт миокард инфарктининг олди олинишига эришилди.

Сўхбатдош
Ибодат СОАТОВА.

2016 йил – Соғлом она ва бола йили

ОНАЛИК ВА БОЛАЛИК МУҲОФАЗАСИ

давлат миқёсидаги муҳим масала

дастлабки йиллардан бошлаб давлатимиз раҳбари оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масаласини кун тартибига қўйиб, бу борада комплекс чора-тадбирлар белгиланиши зарурлигини таъкидлади. Тарихан қисқа, аммо кўлами жиҳатидан залворли ва салмоқли бўлган мустақиллик йилларида аҳоли саломатлигини сақлаш, оналик ва болаликни тиббий жиҳатдан ҳимоя қилиш жараёнининг босқичма-босқич ташкил этилганини статистик маълумотлар ҳам тасдиқлайди. Яқиндагина матбуотда эълон қилинган Президентимиз Исло Каримов ўзининг «Бош мақсадимиз — мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодий тизимда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришди» номи маърузасида қайд қиладигани, «Бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасидан кейинги беш йилда мамлакатимизда ҳар 100 мингта чақалоққа нисбатан оналар ўлими 23,1 дан 19 тага, 5 ёшгача бўлган болалар ўлими 14,8 тадан 13,9 тага, чақалоқлар ўлими 11 тадан 10,7 тага камайди. Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Мингйилликни ривожлантириш мақсадларига тўлиқ эришганини алоҳида таъкидлашни истардим». Аммо биз эришилган натижалар билан кифоялана олмаймиз. Аҳоли саломатлигини сақлаш, айниқса, оналик ва болаликни муҳофаза этиш жараёнини 2016 йилда янги босқичга олиб чиқишга киришдик. Президентимиз маърузасининг хулоса қисмида қабул қилинадиган Давлат дастурида оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада мустақамлаш, перинатал ва скрининг марказлари, патронаж хизматлари моддий-техник базаси, кадрлар салоҳиятини яхшилаш, туғиш ёшидаги аёллар ва гўдаклар парваришини талаб даражасида ташкил қилиш масалалари қамраб олинishi кераклиги кўрсатилган. Демак, бу вазифалар ижросини таъминлашга Соғлиқни сақлаш вазирлиги, унинг Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардаги ваколатли органлари масъул ҳисобланади.

Вазирлик томонидан айнан шу йўналишда белгилаётган чора-тадбирлар хусусида тўхталсангиз.

Барчамиз кўп марта таътилга оладиган «оналик ва болаликни муҳофаза қилиш» деган ибора замирида катта-катта вазифалар яширинган. Буни тиббиёт соҳасида ишлайдиган барча мутахассислар чуқур англашади. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тез кунларда қабул қилиниши кутилаётган «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурини амалга ошириш, оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш, ўсиб келаётган ўғил-қизларимизни жисмонан-руҳан соғлом воёга етказишда соғлиқни сақлаш тизимининг роли ва масъулиятини юксалтириш бўйича доимий равишда ўтказиб келинаётган ишларни замон талаблари даражасида ташкил қилиш чора-тадбирлари белгиланмоқда. Ўзбе-

кистон Республикаси Президентининг 2015 йил 10 декабрдаги Р-4577-сонли «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармойишида белгиланган вазифаларни бажаришга масъулмиз. Бунга кўра, давлат дастурини ишлаб чиқиш юзасидан Соғлиқни сақлаш вазирлигининг мутахассислари, республика иқтисослаштирилган марказларининг етакчи мутахассислари, тиббиёт олий ўқув юр்தларининг профессорларидан иборат ишчи гуруҳи таркиби тасдиқланиб, кенг миқёсдаги чора-тадбирлар режаси белгиланди. Давлат дастурининг «Соғлиқни сақлаш вазирлиги масъул» деб белгиланган бўлимлари бўйича Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, «Соғлом авлод учун», «Маҳалла» фондлари, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан берилган таклифлар инobatга олинган ҳолда лойиҳа тайёрланди. Ушбу лойиҳа 38 банддан иборат бўлиб, кўплаб йўналишларни ўз ичига олади. Шунингдек, ҳар қандай соҳада бўлгани каби соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантириш ҳуқуқий-меъёрий базани такомиллаштиришни тақозо этади. Мавжуд қонунчилик базасига эътибор қаратадиган бўлсак, соғлиқни сақлаш тизимига жорий қилинаётган янгиликлар туфайли уларни қайтадан кўриб чиқиш ёки такомиллаштириш зарурати кўзга ташланади. «Соғлом она ва бола йили» бўйича қабул қилинадиган Давлат дастурига кўра, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш бўйича шакллантирилган ҳуқуқий-меъёрий базани янада такомиллаштиришимиз керак. 4 та қонун лойиҳаси, Президент Қарори ҳамда Фармонлари тайёрланади. Жумладан, «Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, «Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг «Тамакига қарши курашиш бўйича Ҳадди конвенциясининг тамаки маҳсулотларининг ноқонуний савдосига қарши курашиш бўйича Протоколига Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида»ги Қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш кўзда тутилмоқда. Шунингдек, болаларга иқтисослаштирилган юқори технология ёрдам кўрсатадиган республика иқтисослаштирилган марказларида бепул тиббий хизмат олиш ҳуқуқига эга бўлган имтиёзли контингентлар рўйхати шакллантирилиб, бу имтиёздан 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган фарзандларимизнинг маълум қисми фойдаланадилар. Олис ва чекка ҳудудларда, мураккаб иқлим шароитида яшаётган аҳоли, аввало, аёллар ва болалар учун ижтимоий, маиший, тиббий нуқтаи назардан зарурий имкониятларни яратиш, уларнинг репродуктив саломатлигини мустақамлаш, соғлиқни сақлаш тизимининг барча босқичларида оналар, болалар ва ўсмирлар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича сифатли тиббий хизмат кўрсатишимиз керак. Йил мобайнида «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» шиори ос-

тида 145 минг нафар аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш мўлжалланмоқда. Бундан ташқари, республика иқтисослаштирилган марказлари ва тиббиёт олий ўқув юр்தларининг профессор-ўқитувчилари иштирокида ҳар ойда ташкил қилиб келинаётган «Фертил ёшдаги аёллар, ўсмир қизлар ва болаларни соғломлаштириш ҳафталиклари» доирасида тиббий кўрик ташкил қилиниб, даволаш ва соғломлаштириш тадбирларини олиб бориш режалаштирилган.

Марат Фатихович, бошқа соҳа ва тармоқларга нисбатан соғлиқни сақлаш тизимида қўлланилаётган замонавий технологиялар тури жуда кўпайди. Улар воситасида касалликни эрта босқичда аниқлаш, тигсиз даволаш, беморнинг аҳолини енгиллаштириш мумкин. Айниқса, мамлакатимизда скрининг ва перинатал марказлар фаолиятининг йўлга қўйилиши бу жараёндаги муҳим қадам бўлди. Соғлом она ва бола йилида бу марказлар фаолиятини такомиллаштириш бўйича қандай ишлар мўлжалланмоқда?

Жуда тўғри таъкидладингиз. Перинатал марказлари фаолияти йўлга қўйилгани, вилоятларда эса ҳудудий шахобчаларнинг аҳолига тиббий хизмат кўрсатаётганидан халқимиз мамнун. Соғлом ҳомиладорликни аниқлаш, ногирон бола туғилишининг олдини олишда ҳар иккала марказнинг аҳамияти каттадир. Жойларда фаолият кўрсатаётган скрининг ва перинатал марказлари 616 миллиард сўмлик (66 млн. АҚШ доллари) замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланади. Далилларга асосланган клиник қўлланма ва стандартларни ривожлантириш, жорий этиш, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг услубларини қўллаш орқали тиббиёт ходимлари салоҳиятини ошириш, она, бола ва ўсмирлар соғлигини замонавий юқори технологияларга асосланган ҳолда муҳофаза қилиш янада кучайтирилади. Оилавий поликлиника, қишлоқ врачлик пунктлари иши самарадорлигини ошириш, перинатал ҳамширалар сонини кўпайтириш, акушер-гинеколог, болалар шифокорлари малакасини халқаро стандартларга яқинлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилишда яна бир ноқонун арасида турган ёш келин-куёвларни тиббий кўриқдан ўтказиш жараёнидир. Амалиётга бу тартибнинг жорий қилиниши натижасида соғлом фарзанд дунёга келаётгани сир эмас. Вазирлик бу борада қандай чора-тадбирларни белгиламоқда?

Никоҳ ва оила масаласи ҳар бир шахснинг келажақ тақдирини белгилайди. Оилавий муносабатлар қанчалик мўтадил ва соғлом бўлса, туғилажак фарзандларнинг ривожланишида ҳеч қандай муаммо юзага келмайди. Бу масалага ҳукумат даражасида эътибор қаратилиб, 2003 йилнинг 25 августда Вазирлар Маҳкамасининг «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 365-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарор оилавий муносабатларни мустақам асосда куришнинг муҳим ҳужжатларидан бири бўлиб хизмат қилмоқда. Қарорда белгиланганидек,



никоҳ ёшидаги барча йигит-қизлар тўйдан аввал ижтимоий хавфи юқори бўлган касалликлар бўйича тиббий кўриқдан ўтишга мажбурдирлар. Соғлом оилани шакллантириш, ирсият билан боғлиқ ва туғма касалликларга чалинган болалар туғилишининг олдини олиш нақадар муҳим эканлигини ёшларимиз ҳам, оналар ва умуман, кенг жамоатчилик тўғри тушуниб етмоқда. 2016 йил давомида 240 минг нафарга яқин бўлажак келин-куёвни тиббий кўриқдан ўтказиш бўйича тиббиёт ходимлари масъулиятини кучайтириш, ногирон болалар туғилишининг олдини олиш, ана шу мақсадда тегишли поликлиникаларни замонавий тиббиёт ва диагностика асбоб-ускуналари билан жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратилади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, соғлом авлодни шакллантиришда ҳомиладор аёлларнинг умумий аҳолини яхшилашга хизмат қилувчи дори-дармонлар таъминоти

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, республика соғлиқни сақлаш тизимида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида ютуқли натижаларга эришилиб, дунё экспертлари томонидан эътироф этиб келинаётганлиги албатта, қувонарли ҳолдир. Шундай экан, йилимизнинг Соғлом она ва бола йили деб номланиши мазкур йўналишдаги фаолиятлар бардавтом эканлигини кўрсатиб турибди.

Хулкар КУЗМЕТОВА суҳбатлашди.

Научные изыскания

АЛЛЕРГИЧЕСКИЙ РИНИТ КАК ПРИЧИНА
НАРУШЕНИЯ СЛУХА У ДЕТЕЙ

Аллергический ринит зачастую сочетается с нарушением нормального функционирования слуховой трубы, что в свою очередь может стать причиной развития экссудативного отита, острого среднего отита, аэроотита.

Также отмечено, что сочетание аллергии с гингивитом и переплазией лимфоидной ткани носоглотки повышает вероятность

возникновения патологических состояний среднего уха. При аллергическом рините экссудативный отит встречается наиболее часто как вторичное заболевание, характеризующееся наличием жидкого негнойного содержимого в барабанной полости. Клинически он проявляется ощущением заложенности, тяжести в ухе, снижением остроты слуха, флюктуацией слуха при перемене положения головы, сморкании и чихании. Возможны аутофония, ушной шум, ощущение переливания жидкости в ухе при изменении положения головы. К объективным симптомам следует причислить изменения отоскопической картины: инъекция сосудов и втяжение барабанной перепонки; укорочение светового конуса; изменение цвета барабанной перепонки в зависимости от ее толщины и прозрачности,

цвета экссудата. При неполном заполнении барабанной полости может просматриваться контур экссудата, положение которого изменяется при наклоне головы. Нами было обследовано 28 детей с жалобами на нарушение слуха в возрасте от 2 до 6 лет на базе ЛОР-поликлиники 2-й клиники Ташкентской медицинской академии. Всем детям проводилось клинико-аудиологическое обследование, включающее эндоскопическое исследование носа, тональную пороговую аудиограмму, тимпанометрию и объективную аудиометрию. Отоскопически регистрировалось втяжение и гиперемия барабанной перепонки различной степени выраженности. В 5 случаях имелись признаки экссудата в среднем ухе, что подтверждалось данными тимпанометрии. Аудиологическое обследование выявля-

ло в большинстве случаев (87%) кондуктивную форму тугоухости. Однако у 13% детей выявлялась смешанная форма тугоухости. При проведении тимпанометрии нами были выявлены тимпаногаммы типа В (в 69% случаев) или С (в 31% случаев). Для подтверждения эозинофильного характера воспаления слизистой носа были исследованы мазки-отпечатки из полости носа. При этом определялась эозинофильная инфильтрация слизистой, что является признаком аллергического воспаления. Таким образом, аллергический ринит у детей может быть причиной как кондуктивной, так и смешанной формы тугоухости.

**Х. ШАЙХОВА,
Г. ХАЙДАРОВА,
Ташкентская
медицинская академия.**

Гармонично развитое поколение – будущее страны

ПРИЗЫВ К БОЮ С ВРЕДНЫМИ ПРИВЫЧКАМИ

Во Дворце творчества молодежи города Ташкента прошло открытие выставки произведений студентов Национального института художеств и дизайна имени К. Бекзода.

По итогам смотра-конкурса "Мы, молодежь созидания – против вредных привычек" ("Биз бунёдкор ёшлармиз – иллатларга қаршимиз), которая была организована данным институтом совместно со спонсорами. После посещения смотровых залов, демонстрирующих картины студентов выступили с поздравлениями представители спонсорских организаций: заведующая отделом республиканского Центра духовности Гуллола Осоева, заведующий отделом Творческого общества "Тасвирий Ойна" Дилмурод Кирнгизбаев, директор Ташкентского филиала Международного фонда "Соғлом авлод учун" Махбуба Махкамбаева, заведующий сектором Народно-Демократической партии Узбекистана Умурбек Бектимиров, заместитель председателя Правления Международного общественного фонда "ЭКОСАН" Комилжон Джураев, главный специалист республиканского благотворительного

фонда "Махалла" Дилшод Джалилов, которые в свою очередь отметили высокую организованность данного мероприятия. Также ими была отмечена и тематика данной выставки на злободневные темы современного мира, в том числе, касательно и Узбекистана. Единогласным решением было вынесено намерение продлить демонстрацию данной выставки до конца января месяца, а репродукции данных картин демонстрировать в учебных заведениях в сопровождении видеороликов авторов-студентов.

Мероприятие открыла и вела проректор Национального института художеств и дизайна имени К. Бекзода, профессор Дильфуза Рахматуллаева, отметившая активность студентов в участии данного смотра-конкурса, отражающего точку зрения по злободневным вопросам, направленных на борьбу с вредными привычками, с которыми необходимо бороться грамотно, особенно это следует учитывать при воспитательной работе с

молодежью. Также проректор озвучила цели и задачи, которые были поставлены перед студентами при проведении конкурса:

- проблемы окружающей среды и природы;
- проблемы Аральского моря и приаралья;
- последствия СПИДа;
- торговля людьми;
- профилактика коррупции и преступлений;
- последствия употребления спиртных напитков;
- наркомания;
- религиозный экстремизм и международный терроризм.

Гран-при смотра-конкурса был вручен Зульфие Собировой за творческий сюжет "Быть начеку!"

Первого места были удостоены Зарина Маъмурбаева за рисунок "Они могут исчезнуть" и Зухра Давлатова за картину «Глобальное потепление». Второе место заняли Дария Капустина за сюжет "Древо жизни" и Бехзод Азимов за творческое полотно "Истинное лицо ИГИЛ".

Третье место поделили между собой Бехзод Абдуллаев – картина "Потомки" и Динара



Умарова – сюжет "Где наш дом?"

Поощрительных премий были удостоены Рустам Хайдаров, Фозил Ганиев, Камола Рузиева, Раъно Маметова, которым были вручены соответствующие дипломы и призы спонсоров.

С учетом надобности продолжения данного цикла в целях воспитательной работы было принято решение использовать данную экспозицию на встречах с молодежью, которые в скором будущем запланированы в Яккасарайском профессиональном коллед-

же, ассоциации Таэквандо Узбекистана и ряда других учебных заведений.

Ректор института Хасан Аминов поблагодарил всех спонсоров данного смотра-конкурса за постоянную поддержку идей института, а также выразил надежду, что данный проект будет иметь продолжение.

**Миркарим
МИРСОВУРОВ,
начальник отдела
Международного фонда
"ЭКОСАН".**

101 – пожарная служба предупреждает

КАК ПРЕДОТВРАТИТЬ ВОЗГОРАНИЕ
ОТ БЫТОВЫХ ЭЛЕКТРОПРИБОРОВ!


С самого раннего возраста каждый человек должен знать, что пожар это – одно из самых опаснейших явлений, которые происходят в жизни. Он коварен и беспощаден. Самое страшное – это гибель людей во время пожара. Однако для тех, кто знает, как правильно вести себя в таких условиях, шансы на спасение увеличиваются во много раз. Что мы должны знать о пожаре? О нем следует рассказывать в зависимости от возраста. Зачастую причиной пожаров в жилых домах становится небрежное отношение с электроприборами.

Электроприборы используют для своей работы электричество, а ток несет не только пользу, но и большую опасность.

Использовать электроприборы надо очень аккуратно, чтобы они не начали искрить и не вызвали пожар. Если какой-то электрический прибор начал издавать неприятный запах, или дымить или искрить, то его надо немедленно отключить от розетки. Также многие устройства сильно нагреваются, например, утюг, фен, пылесос, электрочайник. При их использовании, будьте аккуратны, чтобы не произошел пожар. Не начинайте работу с электроприборами, если у вас мокрые руки, чтобы не ударило током.

Соблюдайте технику пожарной безопасности!

**Ж. АБДУКАРИМОВ,
инспектор ОПБ УВД
Мирабадского района.**



Болалар спорти

СПОРТЧИ ҚИЗЛАРГА ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИ



Этироф этиш жоизки, Юртбошимизнинг: “Мен ёшларимизга, менинг болаларимга қарата, ўрганишдан ҳеч қачон чарчаманглар, деб айтмоқчиман. Ўрганиш, интилиш ҳеч қачон айб саналмайди. Ниманидир билмасанг, уни ўрганиш зарур. Авваламбор, энди ҳаётга кириб келаётган ёшларга нима лозим? Ўрганиш, ўрганиш ва яна бир бор ўрганиш керак. Касб ўрганган, илм ўрганган киши, ўзбекона айтганда, ҳеч қачон кам бўлмайди”, деган пурмаъно фикрларида ўсиб келаётган фарзандларимизнинг келажаги порлок эканлигини кўрамиз.

Дарҳақиқат, Президентимизнинг ушбу ибораларини қалбларига мужассам этиб келаётган пойтахтимиздаги Миробод саноат касб-хунар коллежида таҳсил олаётган ўқувчилар билим олиш билан биргаликда спортнинг турли йўналишларида иштирок этиб, катта ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Коллежда 1075 нафар ўқувчи таҳсил олаётган бўлса, шулардан 204 нафари спорт тўғрисида аъзо бўлиб, улар мини-футбол, волейбол, баскетбол, енгил атлетика, шахматшашка, бадий гимнастика, миллий кураш ва армрестлинг йўналишларида фаол иштирок этмоқдалар. Жумладан, коллежимиз ўқувчиларидан Ўзбекистон терма

командаси аъзоси Жўрабек Каримов катта теннисда юқори поғоналарга кўтарилган бўлса, Ҳамид Содиқов, Остап Малнев, Аслиддин Очиловлар енгил атлетика бўйича шаҳар, республика чемпионатларида, Ислоҳ Асқаров, Шерзод Мамазияевлар грек-рим кураши бўйича фахрий ўринларни эгаллаб келмоқдалар.

– Ёшларнинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол ўсишларида спорт муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, уларнинг интеллектуал салоҳиятга эга бўлиши учун барча шароитларни яратиб бераётган Президентимиздан миннатдоримиз. Болалар спортга қаратилаётган алоҳида эътибордан барчамиз мамнунмиз. Коллежимиз қайта таъмирлангандан сўнг спорт билан шуғулланиш учун барча шарт-шароитлар яратилди. Ўз иқтидорига эга бўлган ёш спортчи ўқувчиларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз, – **дейди жисмоний тарбия ўқитувчиси Муроджон Давронов.**

– Спорт менинг жону дилим. Кўп йиллардан буён



спортнинг енгил атлетика тури бўйича шуғулланиб келаман. Бир неча бор ёшлар ўртасида ўтказилган мусобақаларда фаол иштирок этиб, нафақат республикамиз, балки чет давлатлардаги баҳсларда куч синашиб, фахрий ўринларни қўлга киритдим. Бу каби ютуқларга эри-



шишимга Юртбошимизнинг биз ёшларга яратиб бераётган кенг имкониятларидан фойдаланаётганим сабаб деб биламан, – **дейди коллеж ўқувчиси Ҳамид Содиқов.**

Соғлом она ва бола йили муносабати билан ўсиб келаётган қизларимиз янада соғлом бўлишлари учун коллежимизнинг биринчи босқич ўқувчиларидан 17 нафарига Президентимиз томонидан спорт кийимлари совға қилинди. Бундай эътибор ва ғамхўрлик албатта, фарзандларимиз қалбини қувончга тўлдирди билан бирга, уларнинг ўқишга, касб-хунар танлашга ҳамда спортга бўлган қизиқишларини янада ошириши, шубҳасиз.


– Бугун мен Юртбошимиз совғаларини олар эканман, кўзларимда севинч ёшлари қалқиди. Бошқа мамлакатларда бизнинг давлатимиздагидек ўсиб келаётган ёш авлодга бу қадар юксак эътибор бўлмаса керак. Ушбу совға мени янада аъло ўқишим, келажақда ўзим севган касб эгаси бўлишим, шунингдек, спорт билан мунтазам шуғулланишимга кенг йўл очиб беради. Бунинг учун Президентимизга эзгу тилакларимни изҳор этаман, – **дейди 1-босқич ўқувчиси Лайло Нурмамедова.**

Умида ҲАСАНОВА,
Миробод саноат
касб-хунар коллежи ўқитувчиси.

Соғлигингизга бефарқ бўлманг

Тухум сариғининг шириси

Шимолий Каролина университети олимлари тухумни мунтазам истеъмол қилиш аёлларда кўрак саратонининг олдини олишини аниқлашди. Тухум таркибидagi холин моддаси – В гуруҳига доир дармондориди шундай хусусиятга эга экан. Тиббиётда бу моддадан фақат саратоннинг олдини олиш учун эмас, хотирани яхшилаш ва атеросклерозни даволашда ҳам фойдаланилади. Тиббиёт ходимлари



рига маълумки, организмдаги барча тўқималар учун холин ниҳоятда зарур боғловчи восита. Асаб тўқималари эса, бу моддасиз нормал фаолият кўрсата олмайди. Организм бир кеча-кундузда 455 миллиграмм холин моддаси қабул қилса, кўрак беши ўсмаси ҳосил бўлиш хавфи 24 фоизга камаяди.

Америкалик олимларнинг ҳисоб-китобига кўра, бир дона тухумда тахминан 125,5 мг. витамин мавжуд. Россиялик олимлар эса, организм-

нинг бир кеча-кундузда холинга эҳтиёжини қондириш учун икки дона товуқ тухумини (тухумнинг юз граммада 570 мг. холин моддаси мавжуд, битта тухум ўртача 47 грамм келади) истеъмол

қилиш кифоя, деб ҳисоблашади. Тухум пиширилганда ёки қовурилганда холин парчаланмайди. Унинг асосий манбаи тухум сариғидир. Бедана тухумида эса, холин кўпроқ. Холин фақат тухумда эмас, балки сут-қатиқ маҳсулотлари, йогурт, кефир, ёғли сливка, қаймоқ, сузмавторог ва молнинг миясида, шунингдек, балиқда қаймоқдаги билан тенг миқдорда мавжуд. Ўсимлик ёғлари таркибида холин у қадар кўп эмас.

Мия фаолиятини яхшилаш, сут безлари ўсмаларининг олдини олиш учун ҳам тез-тез тухум еб туриш зарур. Тухумдан парҳез сақловчилар холинни ҳақдориди сифатида ичганлари маъқул.

Қандай таомлар қонни қуюқлаштиради?

– Гречка ёрмаси, банан, шивит, петрушка, исмалоқ, кориандр каби кўкатлар, оқ баргли карам, наъматак ҳамда четан дарахти меваси ва қора рангли рябина қоннинг қуюқлигини оширади, – **дейди доктор С. Агапкин.** – Бўймадарон, валериана, қизилпойча, қариқиз, қирқбўғин, қичитқи ўт каби доривор ўсимликлар, шунингдек, маккажўхори попуқлари, эман дарахти ва калина пўстлоғи ҳам шундай хусусиятга эга. Таомлар ёрдамида қоннинг қуюқлигини, аксинча, камайтириш ҳам мумкин. Бунинг учун дастурхонда ҳаммавақт суюқлик ва қуйидаги таомлар кўпроқ бўлиши зарур. Масалан, бодрининг тўқсон фоизи сувдан иборат. Ярим стакан қизил узум шарбати қондаги тромбоцитлар фаоллигини 75 фоизга камайтиради. Клюква мевасидан чой тайёрлаб ичиш, денгиз карами, қовун, грейфрут, қизил булғор қалампири, помидор, гилос, олча, бодом, саримсоқ пиёз, аччиқ шоколад, лимон, лавлаги, какао, қахва, кунгабоқар пистаси каби жуда кўп неъматлар ҳам қон қуюқлигини камайтиришга ёрдам беради. Қоннинг қуюқ ва суюқлигини ўзгартиришга киришишдан олдин, яхшиси шифокор билан маслаҳатлашган маъқул.



Уйқудан олдин қатиқ ичиш зарарлими?

– Уйқудан олдин қатиқ, кефир ичиб ётиш соғлиқ учун зарарли эмас. Уларни уйқудан 1-2 соат аввал ичган маъқул. Яхшиси қатиқ ва кефирни бошқа бирор егулик қўшмасдан ичинг. Шифокор томонидан аниқланган таом ҳазми билан боғлиқ хасталиги бор киши кечаси уйқудан олдин қатиқ ё кефир ичмагани мақсадга мувофиқ.

Интернет материалларидан фойдаланилди.

Газета
муассиси:
Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир Асилбек ХУДАЯРОВ
Нашр учун масъул:
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «i» шартли белгиси қўйилади.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри,
Истикфол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот
агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни
рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят
компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Адади 6112 нусха.
Буюртма Г-158.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚҶШОҚОВ.

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.

